Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт

## КУБОК ЯНГИБОЗОРДА

Чирчиқ олимпия захиралари коллежида эркаклар ўртасида баскетбол бўйича вилоят ҳокими соврини мусобақаси бўлиб ўтди. Унда 9 та жамоа ўзаро баҳс олиб борди.

Мусобақада энг юқори натижага эришган Юқоричирчиқ тумани "Янгибозор" жамоаси кўчма кубокни қўлга киритди. Ғолиб ва совриндорларга вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармасининг қимматбаҳо совғалари топширилди.

**Хуррият МЎМИНОВА.**

## МУСОБАҚА ЯКУНЛАНДИ

**Вилоят ички ишлар бошқармаси спорт залида шахсий таркиб жамоалари ўртасида волейбол мусобақалари ўтказилди.**

Фахрли биринчи ўрин сафарбарлик гуруҳи жамоасига насиб этди. Иккинчи ва учинчи ўринларни молия-иқтисод бошқармаси ҳамда Чирчиқ шаҳар терма жамоалари эгаллади.

Ғолиблар фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**Саид ҲАСАНОВ.**



## ОЗГИНА ЭЪТИБОР БЎЛСА БАС

### Олмалиқ шаҳри 5 кун давомида катта спорт байрами шукуҳи билан яшади

Кеча шаҳардаги "Металлург" спорт мажмуасида баскетбол бўйича аёллар ўртасида вилоят кубоги мусобақалари ниҳоясига етди. Унда 6 та жамоа ўзаро баҳс юритди. Илк бор ташкил этилган мусобақа натижаларига кўра, "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" жамоаси вилоят кубогини қўлга киритди. Шоҳсупанинг иккинчи поғонасини Юқоричирчиқнинг "Янгибозор" жамоаси эгаллади. Олмалиқнинг яна бир жамоаси – БЎСМ баскетболчиларига учинчи ўрин насиб этди.

1991-1992 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида бокс бўйича вилоят биринчилиги мусобақаларини ўтказиш учун шаҳардаги муҳташам бокс саройи танланди. Унда вилоятнинг қарийб барча шаҳар ва туманларидан 100 нафардан зиёд чарм қўлқоп усталари рингга чиқишди. Бугун якунланадиган мусобақа ғолиблари вилоят терма жамоаси таркибига киритиладиган бўлди.

– Бундай мусобақаларнинг тез-тез ўтказиб турилиши яхши. Лекин уларни қандай ташкил этиш масаласи муаммо бўлиб қолмокда, – деди вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бош мутахассиси Равшан Мусурмонов. – Жойларда спортчиларнинг мусобақаларга келиб-кетиши ва иштирок этиши масалалари мураббийлардан бошқа ҳеч кимни қизиқтирмаяпти. Истардикки, маҳаллий ҳокимликлар ҳам бу жараёнга озгина бўлсада ўз ҳиссаларини қўшсалар. Ахир, бу жамоалар ўз шаҳар ёки туманлари номидан майдонга тушишади-ку. Ўз ҳудуди шарафини ҳимоя қилаётган спортчи ва жамоаларни қўллаб-қувватламаслик, бунга панжа орасидан қарашни ҳеч қандай сабаб билан оқлаб бўлмайди.

**Феруза ТЎРАЕВА.**

**СУРАТДА:** баскетбол мусобақаси унутилмас дақиқаларга бой бўлди.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

*Ҳаёт сабоқлари*

## ОТА ДУОСИ

Раҳмон отани ёшлигимдан билардим, у оддийгина боғбон эди. Умри меҳнат билан ўтди. Тўнғич ўғли Турдибой биздан атиги бир ёш катта эди. Ўқувчилик давримизда унинг башанг кийинишига, отаси ҳар куни берадиган пулни кўз-кўз қилиб, мактаб буфетига гердайиб кириб-чиқишига ҳавасимиз келарди.

Йиллар ўтди. Мактабни тугатиб, кимдир ўқишга кирди, кимдир ишга жойлашди. Турдибой ўқишни бир йил олдин битирган бўлса-да, ҳамон кўча чангитишини қўймасди. Ҳатто ҳарбий хизматга кетаётиб, йўлда поезддан тушиб қолди. У ер-бу ерда яшириниб юрди, охири безорилик қилиб, қамалиб кетди. Шу-шу ўн йиллаб умрини қамоқда ўтказди.

Бир куни Раҳмон отанинг уйи олдидан ўтиб қолдим. Турдибой навбатдаги қамоқ муддатини ўтаб келган экан, ичиб олган шекилли, ёши етмишдан ошган отасини бўралаб сўкарди:

– Пахан, хе... Сен мени ўқитмагансан. Бошқа оталар каби машина олиб бермагансан. Ўзинг ҳам бир умр пулга ёлчимадинг. Мен ҳам рўшнолик кўрмадим.

– Ўқи деганда, ахир, ўзинг ўқимадинг-ку, ўғлим, – отанинг кўзёшлари оппоқ соқолларини ювар, озғин қўллари қалтирарди.

Турдибой тинмай алжирар, ҳаётдаги ҳамма омадсизликлари учун отасини айблаб, шанғилларди. Орадан кўп ўтмай, ота дуосини ололмаган Турдибой маст-аласт ҳолда кўчада ўлиб қолганини эшитдим...

Бакир исмли олифта йигитни шаҳарда ишлай бошлаганимда танигандим. Озгина ичиб олса, жуда айнир, барча ундан қочишга уринарди. Бир куни у падари бузрукворига қўл кўтарганини эшитдим. Шунда бечора отаси "Биринг икки бўлмасин" деб дуоибад қилган экан.

Бироқ, Бакирнинг омади чопди, тадбиркорлик иши юришганидан юришиб, бойиб кетди, босар-тусарини билмай қолди. Бир-иккита ўзига ўхшаган бойваччалар билан улфат бўлди. Бир неча йил илгари ўлиб кетган отаси руҳини гоҳи-гоҳида эслаб қўйиш хаёлига ҳам келмади. Бир куни "Нексия"сида Ангрендан маст ҳолда келаётиб, Қорахитойга кираверишдаги Четанмозор бурилишида ағдарилиб кетди...

Халқимизда "Ота рози – худо рози", "Ота қарғиши ўқ" каби ҳикматли гаплар кўп. Бу дунёда кимдир бой-бадавлат, кимдир ночорроқ яшайди. Бироқ, Турдибойга ўхшаб қўли қисқароқ отасига аччиқ қилиб, норози бўлиб юрадиганлар ҳам бор. Мана ҳозир бозор иқтисоди. Омадингни синаб кўр. Ер ол, деҳқончилик қил, чорва билан шуғуллан, ким халақит бераяпти? Ўзинг дангаса бўлсанг, рўзғор сарфини билмасанг, бошқани айблаб нима қиласан?

Бир-икки иши юришган тадбиркорларни биламан. Шукрона қилиб яшайди, етим-есирларга ёрдам беришни канда қилмайди, камтар, камсуқум. Каттаю-кичик билан қўлини кўксига қўйиб саломлашади. Яқинда шулардан бирининг тўйида бўлдим. Тўёна берай десам, "Ана, отам турибдилар, у кишига беринг", деди. Яна кейинроқ шу тадбиркорнинг оила даврасида улар отани нақадар эъзозлашларига, ҳамма ишни ота билан бамаслаҳат қилишларига гувоҳ бўлдим.

Яна бир корхона раҳбарини биламан. Тўй олдидан йўқлаб бордик. Қарасак, ҳалиги раҳбар панжарани бўяб юрибди. Кўчада ҳозир ким кўп, ишлайман деган одам кўп, шулардан бирини олиб келмайсизми десак, бу ишни менга отам буюрдилар, у кишининг гапи мен учун қонун деди.

Алишер исмли камтарин, очиққўнгил тадбиркорни биламан. Яқинда ажойиб бир иморат қурди. Икки қаватли. Ота-онаси қанча зўрласа ҳам уйнинг иккинчи қаватига яшаш учун чиқмади. Биз сизларнинг устингизда яшаймизми, деб сира унамади.

Мен бу гапларим билан сизлар ҳам отангизга қимматбаҳо машина олиб беринг ёки ҳаж сафарига юборинг, демоқчи эмасман. Албатта, бу ҳар кимнинг қурбига, виждонига ҳавола. Бироқ, тириклик пайтида отамизни ҳурматлаб, дуосини олишга нима етмайди? Зеро, севимли шоиримиз Муҳаммад Юсуф айтганидек, ҳар кимга ота бўлиш, ўз фарзандининг камолини кўришдан, унинг меҳридан баҳраманд бўлишдан улуғроқ бахт борми?

*Ҳар кимнинг ҳам*
*сочларига оқ тушсин,*
*Ажин тушсин юзларига,*
*доғ тушсин.*
*Ҳар кимнинг ҳам қувват*
*кетиб белидан*
*Қўлларига асо – бир*
*таёқ тушсин.*

*Имони соф, юзга*
*кириб ёруғ юз,*
*Тўйлар кўриб, елкасидан*
*тоғ тушсин.*
*Ва жисмига сўнгги*
*сафар олдидан*
*Ўз боласин қўлидан*
*тупроқ тушсин!*

**Озод ХУШНАЗАРОВ.**

## Шундан кейин

### ТИНИБ-ТИНЧИМАГАН ЯПОНЛАР

**Японияда "Нокиа" компаниясининг қимматбаҳо телефонлари сотувга чиқарилди.**

Жаҳонда иқтисодий инқироз ҳукм сураётган бир пайтда компаниянинг бундай йўл тутиши харидорларни ажаблантирмокда. Сотувга чиқарилган "Верту" русумли мобиль телефонларнинг энг арзони 670 минг иен (қарийб 7300 АҚШ доллари) туради. Телефонлар орасида нархи 6 миллион иенга (тахминан 65 минг АҚШ доллари) тенглари ҳам бор. Тугмачалари олмосдан ишланган бундай қимматбаҳо телефонларда "консьерж" тизими ўрнатилган бўлиб, улар орқали самолётга билет ёки ресторандан жой буюриш мумкин.

### ХОТИРА ЎЧИРУВЧИ ДОРИ

**Нидерландия олимлари мияда сақланиб қолган нохуш хотираларни "ўчирувчи" дори кашф қилдилар.**



Маълумотларга кўра, унинг таркибидаги "beta-adrenergic receptor blockers" номли модда миядаги ёмон хотирани бутунлай йўқ қилиб юбориш хусусиятига эга. Бироқ мутахассислар дорининг салбий жиҳати борлигини ҳам таъкидлашмоқда. Уларнинг сўзларига кўра, дорини истеъмол қилган шахснинг хулқ-атвори бузилиши мумкин. Чунки айримлар уни қабул қилганидан кейин ўзини ҳаддан ташқари эркин ва ҳатто масъулиятсиз ҳис этаркан.

**ЎзА.**

*Шанба фельетони*

## АСОМ ҒАДАНГ НИМА ҲАМ ДЕРДИ



Автобусдан тушиб, ўзини четга олган Асом Ғаданг гузар майдонида қаққайиб туриб қолди. У хафаҳол, ҳийла толиққанди.

– Мулла Асомиддин, қани, буёққа ўтинг.

Ҳомид оқсоқолнинг овози уни ўзига келтирди. Шундоққина анҳор бетидаги чорпояда улфатлари давра қуриб ўтиришарди.

– Ҳа, бир аҳволдасиз, тинчликми? – сўради оқсоқол ёнидан жой кўрсатиб.

Ғаданг саволни жавобсиз қолдирди, қайноқ чойни ютоқиб хўплашга тушди. Пиёла тутган қўли билинар-билинмас титрарди.

– Автобусда бирор санамнинг сочларидан таралган мушк-анбар эсларини оғдирганми дейман, акагинамнинг...

Даврадагилар Соли суюққа норизо қараб қўйишди. Одатда "гуп" этиб аланга олиб кетадиган Ғаданг бу ғаламис луқмага ғинг демади. Ниҳоят, учинчи пиёладан сўнг оқсоқолга ўгирилди:

– Узр, Ҳомиджон, – деди ва Суюққа қаради. – Мушк-анбар ҳидлари ҳолати размга тушганларни ҳам ўзига келтиради, Соливой. Аммо бугун кўрган-кузатганларим ранжитди мени. Қаттиқ ранжитди.

У ҳали автобусда бўлган ҳангомаларни гапириб берди. Ўғлиникидан қайтишда, Қатортолдан 56-автобусга чиқди. Одам бироз сийрак экан, шундоққина эшик рўпарасида, ҳайдовчининг орқасида туриб олди.

– Оппоқ қиз, отага жой бермайсизми?

Бу овоз ўзига ҳам тегишли эканлигини сезиб, Ғаданг йўловчиларга назар ташлади. Ёнбошидаги биринчи ўриндиқда оқ-қизғиш сочлари шокила-шокила бир қиз деразага қараганича, аллақандай оҳангга бошини лиқиллатиб ўтирарди. Гоҳида ўнг елкасини учириб-учириб қўярди.

Ҳалиги йигит бироз энгашиб, қизга бир нима деди. Шунда ҳам у беэътибор ўтираверди. Иккинчи ўриндиқдаги ёши ўтинқираган аёл ўрнидан қўзғалди:

– Ака, келинг...

Йигит унга ўтиринг ишорасини қилиб, ҳалиги қиздан сўради:

– Мабодо кар-пар ё кўр эмасмисиз?

Қиз пинак бузмади.

– Ука, қўйинг уни, – деди нариги томонда ўтирган кекса бир киши. – Балки гумонаси бордир, зиён кўриб қолса, балога қолмайлик.



Автобусни қийқириқ тутиб кетди. Ҳалиги аёл ҳам қип-қизариб, қизни елкасидан аста туртди. У орқасига ўгирилаётиб, ўқрайганича, қулоқларидан мусиқа эшитгични олди. Кўҳликкина чеҳра бўзариб кетганди:

– Минуту покоя не дают, – деб пўнғиллади-да, аёлдан сўради. – Хўш, нима дейсиз?!

Аёл ўзини босиб, энгашганича, қизнинг қулоғига алланима деди. Қиз мусиқа эшитгичларини яна қулоқларига тиқа бошлади, ўриндиққа ўрнашиб ўтираётиб:

– Ҳозир жой бериш мода эмас, – деди.

Энди йигит ўзини тутиб тура олмади. У қизни қандай турғизганини атрофдагилар илғамай қолишди. Қиз тўнғиллаганча, эшик дастасига ёпишди.

– "Гумона"нг ўзинг билан экан, қулоқларингни кар, кўзларингни кўр қилиб қўйипти. Нима, автобус сенга дискотекахонами, қилпиллайсан?

У ер-бу ердан яна кулги эшитилди. Шу пайт автобус тўхтаб, эшик очилди. Сатанг қиз автобусдан отилиб тушиб кетди.

Ҳикоясини тугатиб, Ғаданг бир нуқтага тикилганича ўтириб қолди.

– Ҳа, нимасини айтасиз, мулла Асомиддин, – деди рўпарада ўтирган Қодир мўйлов. – Бир ёққа бормоқчи бўлсам, юрагим орқага тортиб туради. Автобусгами, метрогами чиқсанг, кексароқ йўловчилар тараддудланишади. Лекин аксари ёш-яланг китобини варақлаб ё кўзларини лўқ қилиб ўтираверади.

– Кексайганингда қийин экан, – бу фикрга қўшилди Аҳмад нати. – Уйнабкулиб жой бўшатишса, ўтиришга таклиф қилишса, бир нав. Гоҳида оғриниб қўзғалишларини кўриб, автобусга чиққанингга пушаймон қиласан, киши.

Бу гапларни тинглаб ўтирган оқсоқол кулимсиради.

– Тунов куни Сурхондарёдан келган меҳмонларни кузатиб, вокзалга боргандим. Трамвайда четроққа ўтиб олиш учун:

– Қизим, сал сурилиб..., – дейишимни биламан, гапим бўғзимда қолди.

– Ким қиз?!

Қулоқларидаги зираклари, жингалак қилиб таралган, заифона фарқ очилган сочларига қараб, қиз десам, тузуккина йигитча экан, – кулди оқсоқол. – Кимдир мени қўлтиғимдан суяб, бўш бир жойга ўтказиб қўйди. Аммо, кўзларим ҳалигида. Қулоқларида зирак, сочини пешонасига кокила қилиб, тушириб олган. Шу десангиз, гоҳ кўзлари сархуш сузилиб кетади, гоҳ заифона қош қоқиб қўяди. Ёнимда бораётган меҳмон "Эрта билан игнага ўтириб олганми дейман", деди. Йигит зийрак экан, гап ким тўғрисида бораётганини сезиб қолди, кўзларини лўқ қилиб, "игна кечқурун дискотекада бўлади, бу мусиқа, пахан" деса бўладими? Қарасам, у ҳам қулоғига эшитгич тиқиб олган экан. Бекатда трамвайдан тушаётиб "какая дикость" деса бўладими! Меҳмон ортидан бир талпинди, тирсагидан тутиб қолдим, "Қўйинг, Раҳматилла".

– Кеча бир воқеа бўлди, ҳалигача ўзимга келолмаяпман, – деди Мўйлов овозини гулдиратиб. – Кўкчада Назарбек – Тошкент автобусидан тушиб, трамвайга чиқдим. Чорсуда кекса бир кампир вагонга аранг чиқиб келди. Қарасам, ўриндиқ тутқичига ёпишганича, ҳансираб турипти. Ўша ўриндиқда ёши қирққа бориб-бормаган бир киши ялпайиб ўтирипти. Секин туртиб, кампир томонга имо қилдим. Шунда ҳам тусини ўзгартирмай, ҳурпайиб ўтираверди. Ортиқ чидай олмадим. Аста энгашиб:

– Мабодо сўқирмасмисан? – деб сўрадим.

Давангир бир энтикди, лекин ўрнидан турди. Нари кетаётиб, менга ўқрайди:

– Афсус, менга "афғон"да дуч келмагансанда, нақ мўйловингдан осиб қўярдим! – деди.

– Очиғини айтсам, нафасим бўғзимга тиқилиб қолди, – ҳикоясини давом эттирди Мўйлов. – Аҳволи руҳиятимни сезиб, кимдир сумкасидан совуқ чой солинган шиша чиқариб, узатди...

Улфатлар Мўйловга тикилишганча жим қолишди. Ҳатто, Ғаданг ҳам индамади. У ўз хаёллари билан банд эди.

**Жўра САЪДУЛЛАЕВ.**

*Саломат бўлинг*

## ТИББИЙ КЎРИК СИЗГА КЕРАК

**Ҳозирги пайтда юқумли касалликлар, айниқса, ОИВ/ОИТС хасталигининг тарқалиш доираси кенгайиб бораётганлигини ҳисобга олиб, Саломатлик ва тиббий статистика институтининг вилоят бўлими мутахассислари тиббий билимлар тарғиботини кучайтиришаётир.**

Амалий машғулотлар одамларга энг хавфли касаллик – ОИВ/ОИТС ҳақида тушунча беришнинг самарали усулига айланиб бормоқда. Машғулотлар чоғида каттаю кичикда бу касалликлар, уларнинг оқибатлари ҳақида кўпроқ тушунча олишга қизиқиш ортиб бораётганлиги сезилмоқда. Шу боис мутахассисларимиз суҳбат мавзуларини босқичма-босқич мураккаблаштириб боришаётир.

ОИВ вируслари одатда қон орқали, жинсий алоқа, шунингдек, она-бола муносабатлари чоғида юқади. Биринчи юқиш ҳолати бир шприцдан фойдаланилганда, ОИВ хасталигига чалинган кишидан донор сифатида фойдаланилганда, тўла стерилланмаган, дезинфекцияланмаган асбоблар қайта ишлатилганда, аъзолар кўчириб ўтказилганда юқиш хавфи кучли бўлади. Учинчи ҳолат инфекцияни юқтириб олган онадан ҳомиладорлик даврида ва она гўдакни эмизганда содир бўлади.

Одатда тингловчиларни битта умумий савол қизиқтиради: "ОИВ инфекциясини юқтиришнинг олдини олиш мумкинми?" Албатта, мумкин. Бунинг учун аввало шахсий санитария-гигиена қоидалари, турмуш ва ижтимоий хизмат кўрсатиш муассасаларида белгиланган тартиб-қоидаларга, ахлоқ-одоб меъёрларига оғишмай риоя қилиш керак. Энг муҳими, ҳар бир киши вақти-вақти билан ўз саломатлигини малакали тиббий кўрикдан ўтказиб турмоғи лозим. Агар бирор нохушлик сезилса, дарҳол "Ишонч телефонлари» орқали шифокорларга мурожаат этмоқ лозим.

**Фарида КОМИЛОВА.**

*Бекажон*

## АНТИҚА САЛАТ

**МАСАЛЛИҚЛАР:**

1 бош карам (кичикроқ), 150 г. пишлоқ, 3 та бодринг, 3 та картошка, 1 боғ укроп, 5 та тухум, 450 мл. майонез.

Тухум сувда пиширилади ва сариғи алоҳида, оқи алоҳида қирғичдан чиқарилади. Сўнг барча масалліқлар сомонча шаклида тўғралиб, каттароқ идишга солинади ва майонез билан аралаштирилади. Идишга солиб, устига аввал тухумнинг оқи, сўнг сариғи сепиб, безатилади.

*Рассом ҳандаси*




**Ҳусан СОДИҚОВ чизган расм.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Манзилимиз:
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-140. Адади 11492. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318. Саҳифаловчи: Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ.
Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.20. 2 5 6 7 8